



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 187 (13.784)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН – ЖОЗИБАДОР САЙЁҲЛИК МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Туризм – иқтисодийнинг энг жадал ривожланаётган ва сердаромад соҳаларидан бири. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, мазкур соҳа хизматларини кўрсатишдан тушадиган даромад 1,5 триллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Дунё ялпи ички маҳсулотининг 10 фоиздан кўпроғи, жаҳон экспортининг 7 фоиздан зиёди, умумий бандлик кўрсаткичининг эса 8 фоизга яқини айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келади.

Сайёҳлик нафақат иқтисодий даромад келтиради, балки юртин, халқни, унинг маданиятини бутун дунёга танита оладиган муҳим восита ҳамдир.

Ўзбекистон – бой маънавий-маданий меросга, турли-туман тарихий-археологик объектларга, қулай табиий-иқлим шароитига ва кўп тармоқли ижтимоий инфратузилмага эга мамлакат. Бугунги кунда юртимизда бой тарихий, миллий ва маданий ўтмиш, нодир археологик топилмалар, палеонтологик қолдиқларини, тарихий-маданий ёдгорликлар, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўзида муҳассам этган жозибадор табиий масканларни қамраб олган 7 мингдан ортиқ сайёҳлик манзиллари мавжуд. Улардан 140 га яқини ЮНЕСКО рўйхатига киритилиб, алоҳида муҳофазага олинган.

Қулай табиий иқлим, бой тарихий-маданий мерос, шифобахш булоқлар, гўзал манзаралар, ям-яшил ўрмонзорлар, машҳур ғорлар, шаршаралар, ноёб табиат ёдгорликлари, мовий кўللар, кўриқхоналар ҳар қандай сайёҳ эътиборини тортмасдан қолмайди. Бундай катта салоҳият билан юртимизда туризмнинг зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, аграр, санаот, ишбилармонликка оид ва бошқа қатор турларини ривожлантириш имконияти мавжуд. Шу боис мамлакатимизда мазкур соҳани янада тараққий эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунинг самараси ўлароқ, қисқа вақт ичида юртимизда сайёҳликни ривожлантиришга йўналтирилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатларга кўра, соҳани тараққий эттириш билан боғлиқ қатор янгиликларга қўл урилди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тузилди. Унинг фаолияти, энг аввало, назорат ва маъмуриятчилик вазифаларини амалга оширишга эмас, балки туризмда тадбиркорлик фаолиятини куйайтиришга қаратилгани билан диққатга сазовордир. Қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, сайёҳликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган ғов ва тўсиқларни бартараф этиш, хизматлар бозорида рақобатни ривожлантириш, лицензиялаш, сертифициклаш ҳамда бошқа руҳсатномалар бериш унинг зиммасига юкланди.

Шунингдек, туризм соҳасидаги субъектларга солиқ ва боғжона имтиёзлари ҳамда афзалликлари берилди. Туризм инфратузилмасини такомиллаштириш, соҳа корхоналарига қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш бўйича ҳам долзарб тадбирлар амалга оширилмоқда. Унга кўра, яқин истиқболда хорижий инвестицияларни кенг жалб қилган ҳолда, юртимизнинг барча ҳудудида туризм инфратузилмасининг замонавий объектлари, энг аввало, меҳмонхоналар, транспорт-логистика тузилмалари, муҳандислик-коммуникация объектлари бунёд этилиши бошланди.

Соҳада меъририй-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистонга сайёҳларни арзонлаштириш, юртимизнинг барча ҳудудларида туризмни ва соҳа билан боғлиқ инфратузилмани ривожлантириш, янги сайёҳлик объектлари ташкил этиш, бир сўз билан айтганда, миллий туризм салоҳиятини юксалтиришга қаратилган 2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

(Давоми 2-бетда)

НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 22 ва 44-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг қарори билан бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар рўйхатга олинди. Шунингдек, туман сайлов комиссияларининг қарорлари билан бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар туман Кенгашлари депутатлигига номзодлар тасдиқланди.

Газетамизнинг иккинчи саҳифасида жорий йилнинг 14 октябрь, яқшанба кuni бўшаб қолган ўринларга бўлиб ўтадиган сайловларда халқ депутатлари Тошкент шаҳар ҳамда туман Кенгашлари депутатлигига тавсия этилган номзодлар рўйхати билан танишасиз.



Фармон ва ижро

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК: ТАЖРИБА, НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институтида “Йўл қопламаларини барқарор бошқариш тизимларини яратиш жараёнининг муаммолари” мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Давлат раҳбарининг 2017 йил 14 февралдаги “Йўл ҳўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва жорий йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар-

да фаол иштирокни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирга маҳаллий ва хорижий соҳа вакиллари, олимлар таклиф этилди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиздаги автомобиль йўллари лойиҳалашти-

(Давоми 3-бетда)

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида БМТ Тараққийёт дастури ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасаларининг Глобал альянси вакиллари билан иборат делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2017 йил 16 июндаги Қўшма қарори билан тасдиқланган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар режасига асосан Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) Миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасаларининг Глобал альянсига қўшилиши масаласи муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, инсон ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлашга қаратилган ислохотлар халқимиз манфаатларига хизмат қилмоқда. Бу борадаги савий-ҳаракатлар натижасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизимида ҳам туб янгиликлар рўй бераётир. Бу институтларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари тубдан янгилашмоқда.

Хусусан, мазкур қонун билан Омбудсманнинг қонун устуворлиги ва адолатни қарор топтиришга оид ҳуқуқлари баргайитирилди. Эндиликда Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди кўриб чиқиши учун қонунга мувофиқ масалалар киритиш, фуқаролар манфаатларини кўзлаб аризалар ҳамда даъволар билан судларга муурожаат қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига белгиланган муддатларда кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш каби ҳуқуқларга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни қабул қилинди. Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ Вакилга инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларни тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлашда янги вазифалар берилди.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг Миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасаларининг Глобал альянсига қўшилиши инсон ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлашга қаратилган ислохотларни янги босқичга олиб чиқади ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадбирда Омбудсман фаолиятига доир бир қатор масалалар муҳокама этилди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

СОЛИҚ ИСЛОҲОТИ – ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ва Молия вазирлиги билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда солиқ ислоҳоти – халқаро экспертлар нигоҳида” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Жаҳон банкининг солиққа тортиш бўйича катта мутахассиси, Ўзбекистон Республикасида солиқ ислохотларини ислоҳ қилишга кўмаклашиш бўйича Жаҳон банки солиқ миссияси раҳбари Ражуль Авасти, Россия Федерациясининг Солиқ кодексини ишлаб чиқишда фаол иштирок этган халқаро эксперт ва маслаҳатчи Сергей Шаталов, депутатлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, халқаро экспертлар, мутахассислар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Сарвар Отамуродов ва бошқалар мамлакатимизда солиқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар солиқ тизимини янада такомиллаштириш, соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларга барҳам бериш зарурлиги, бунда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 29 июндаги

“Ўзбекистон Республикасининг солиқ сисъатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармони муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Тадбирда экспертлар “Ақлли солиқ сисъати, ақлли солиқни бошқариш”, “Ўзбекистон Республикаси солиқ сисъатини такомиллаштириш” мавзуларида маъруза қилди.

– Самарали ва рақобатдош солиқ тизимини яратиш, турли даражадаги бюджетга солиқ тушумлари келишининг барқарорлигини таъминлаш солиқ ислохотларини олиб боришда муҳим тамойиллардан ҳисобланади, – дейди Ражуль Авасти. – Шу боис Жаҳон банкининг Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорлигидан ҳам солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишнинг инновацион усулларини жорий этиш асосида солиқ бошқа-

руви тизимини тубдан ислоҳ қилиш назарда тутилган.

Сергей Шаталов хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва таққослаш асосида Ўзбекистон солиқ соҳасидаги тизимли муаммоларни батафсил таҳлил қилиб берди.

– Ўзбекистон Республикаси солиқ сисъатини такомиллаштириш Концепцияси солиқ юкини камайитириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга қаратилган мавжуд тизимли муаммоларни комплекс ҳал этишга қаратилган, – дейди ЎЗА мухбири Сергей Шаталов. – Мазкур концепция халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, халқаро ва миллий экспертлар, жамоат ташкилотлари ва солиқ тўловчиларнинг тақлифларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилгани жуда муҳимдир.

Даврон СУННАТОВ



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Халқ депутатлари Фарғона ва Риштон туман Кенгашларининг сессиялари бўлиб ўтди. Уларда ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни ва аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан ўрганиш натижалари муҳокама этилди.

• Самарқанд вилояти ҳоқими вази-фасини бажарувчи Э.Турдимов Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номли марказий-иқтисодий ҳақида ёшлар билан учрашув ўтказди. Унда ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти кенгаши аъзолари, талаба ва ўқувчи-ёшлар, ёш тадбиркор, фермер ва хунармандлар, спортчилар иштирок этди.

• Бухоро – Қоровулбозор автомагистралининг Когон тумани ҳудудидан ўтувчи қисми йўлнинг икки чети бўйлаб турли ораликларда ўрнатилган 5 контейнер-кути ҳайдовчилар эътиборини тортмоқда. Чикинди ташлашга мўлжалланган бу контейнерлар шу ҳудудда фаолият олиб бораётган “Кнауф гипс Бухоро” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона томонидан ўрнатилди.

• Фарғона вилояти Кува туманида “Med doktor Arslonov” тиббий диагностика маркази иш бошлади. Мазкур мажмуа қурилишига 2,2 миллиард сўм ва 156 минг доллар маблағ сарфланди. Бу ерда 41 та стационар даволаниш хонаси бўлиб, болалар неврологияси, гастроэнтерология, ички касалликлар ва бошқа хасталикларни аниқлаш, сифатли тахшиш қўйиш, даволаш учун барча замонавий моддий-техник имкониятлар етарли.

ЖАҲОНДА

• Индонезияда юз берган zilzila ва унинг оқибатида юзага келган цунами қурбонлари сони 1347 кишига етди. Аввалроқ zilzilадан омон қолганлар керакли ёрдамнинг етишмаслиги сабабли дўконларни талаб кетаётганлиги, қурбонлар сонининг 1200 кишидан ошганлиги ҳақида хабар берилган эди. Шунингдек, 2 октябрь кuni Индонезиянинг Сумба ороли яқинида иккита янги ер силқинишлари қайд этилган. Уларнинг магнитудаси 5,9 ва 6 баллини ташкил қилган.

• Жорий йилда Японияда ҳаддан ташқари баланд ҳаво ҳарорати оқибатида юзага келган иссиқлик уришидан рекорд сондаги одамлар жабрланди. Бутун мамлакат бўйлаб майдан сентябргача бўлган даврда бундай симптомлар билан 95 мингдан зиёд одам касалхоналарга ётқизилган. Бу шундай статистика юритилиб келаётган давр ичидаги энг баланд кўрсаткич эканлиги айтилмоқда. Ёзда Япониянинг қарийб бутун ҳудуди бўйлаб мисли кўрилмаган жазирама кузатилди – термометр миллири Цельсий бўйича 41 даражагача етди.

• Хитойда олимлар квант радар яратди, у узоқ масофадаги ҳаво нишонларини аниқлай олади. Нанкин университети томонидан яратилган радар 100 километрдан ортиқ узоқликдаги нишонларни аниқлайди ва кузата олади. Бу турдаги техникаларнинг аввалги авлоди билан таққослаганда, янги радар “стелс” технолгияси бўйича яратилган объектларни катта аниқликда аниқлаш ва кузатиш қобилиятига эга.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР РЎЙХАТИ

Table with 4 columns: Okrug nomi, Familiyasi, ismi, otasining ismi, Tug'ilgan yili, partiyaviyligi, egallab turgan lavozimi, turar joyi, Deputatlikka nomzod etib kўrsatgan siyosiy partiya.

Table with 4 columns: Okrug nomi, Familiyasi, ismi, otasining ismi, Tug'ilgan yili, partiyaviyligi, egallab turgan lavozimi, turar joyi, Deputatlikka nomzod etib kўrsatgan siyosiy partiya.

САЙЛОВ КОДЕКСИ ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАДА

Турин политехника университетига қарашли академик лицей фаоллар залида халқ депутатлари Олмазор тумани Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда тумандаги маҳалла фуқаролар йиғини раислари, халқ таълими, тиббиёт, академик лицей ва касб-хунар коллежи раҳбарлари ва фаоллар иштирок этишди.

Йиғилишни халқ депутатлари Олмазор тумани Кенгаши раиси ўринбосари Анваржон Шермуратов олиб борди.

Дастлаб, иштирокчилар Сайлов кодекси лойиҳаси билан яқиндан таништирилди. Ўтказилган сайловлар даврида юзга келган муаммолар ва кейинги сайлов жараёнларида бундай хато-камчиликларга йўл қўймаслик чоралари ҳусусида сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбарининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони иловасининг 7-бандида миллий сайлов тизимини ислоҳ қилиш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда етук ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассисларни жалб этиш назарда тутилган, — дейди Олмазор тумани Сайлов комиссияси котиби М.Эронов. — Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳаси шаклланди ва таҳрирга мувофиқ 2 қисм, 100 моддадан иборат. Уни ишлаб чиқишда бир неча ривожландирган хориж давлатларининг Сайлов кодексига оид тажрибаси ўрганилган.

Умумий қисм сайлов тизимининг асослари ва принциплари, субъектлари ҳамда сайлов ҳуқуқи кафолатларига бағишланган. Махсус қисм Ўзбекистон Республикаси Президентини, Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатларини сайлаш тартибини шакллантириш ҳусусиятларига қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасида сайловга тайёргарлик қўриш ва ўтказишда асосий субъект — сайлов комиссиялари ҳисобланади. Шу сабаб, комиссияларга қонуний, адолатли, демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш, сайловчиларнинг хоҳиш иродасини эркин билдиришларига етарли имкониятлар яратиш вазифалари киритилмоқда.

Сайлов кодекси лойиҳасида сайлов комиссияларининг самарали фаолият олиб боришлари учун зарур ташкилий-ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди. Бундан ташқари, участка сайлов комиссиясининг фаолиятининг очкилиги, овоз бериш жараёнини ташкил этишда ва ўтказишда янги қоидалар киритилмоқда.

— Бугунги Сайлов кодекси лойиҳаси муҳокамасида ўзимизнинг бир қатор тақлиф ва мулоҳазаларимизни билдирдик, — дейди Олмазор тумани "Гузарбоши" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турсунхўжа Эргашев. — Албатта, Сайлов кодексининг хар томонлама мукамал бўлиши билдириладиган тақлифларга боғлиқ. Уялайманки, бу каби муҳокамалардан сўнг кодекс хар томонлама мукамал қонун мажмуасига айланади.

Қабул қилинаётган Сайлов кодекси лойиҳасини тасдиқлашда туман фаолларининг тақлиф ва фикрлари алоҳида эътиборга олинди. Бу эса Бевоситани олдинги сайловларда йўл қўйилган муаммо ва камчиликларни тўлиқ бартараф этишга хизмат қилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари академик лицейида Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасининг тасдиқланиши ва мазмун-моҳиятини Мирзо Улуғбек туман фаолларига етказиш мақсадида тадбир ташкил қилинди.

Унда тумандаги сайлов участкалари раислари ва фаоллар иштирок этди. Йиғилиш қатнашчилари ўзларининг ўтказилган сайловлар даврида дуч келган муаммолари ва уларни бартараф этиш чоралари ҳамда сўз юритишди. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳаси билан яқиндан танишдилар.

Жумладан, мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони иловасининг 7-бандида миллий сайлов тизимини ислоҳ қилиш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ушбу Фармон иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда етук ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар жалб этилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳаси шаклланди ва таҳрирга мувофиқ икки қисмдан ва 100 та моддадан иборат. Умумий қисм ва махсус қисм. Умумий қисм сайлов тизимининг асослари ва принциплари, субъектлари ҳамда сайлов ҳуқуқи кафолатларига бағишланган. Махсус қисмда эса Ўзбекистон Республикаси Президентини, Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатларини сайлаш тартибини шакллантириш ҳусусиятларига қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасида сайловга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказишда асосий субъект — сайлов комиссиялари ҳисобланади. Шу сабаб, комиссияларга қонуний, адолатли, демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш, сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини эркин билдиришларига етарли имкониятлар яратиш вазифалари киритилмоқда.

Сайлов кодекси лойиҳасида сайлов комиссияларининг самарали фаолият олиб боришлари учун зарур ташкилий-ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди.

Бундан ташқари, Сайлов кодекси лойиҳасида участка сайлов комиссияларининг фаолиятининг очкилиги, овоз бериш жараёнини ташкил этишда ва ўтказишда янги қоидалар киритилмоқда.

Аввал сайлов участкаларини жиҳозлаш, овоз бериш жараёни ва участка сайлов комиссияларининг амалга оширишлари лозим бўлган вазифалар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг йўриқномасига асосан амалга оширилган бўлса эндиликда қонун нормаларига асосан амалга оширишлари белгилаб берилди.

Ўтказилган тадбирдан қўзғалган асосий мақсад қабул қилинаётган сайлов кодекси лойиҳасини тасдиқлашда тақлиф ва фикрларнинг алоҳида эътиборга олинishi Бевоситани олдинги сайловларда йўл қўйилган муаммо ва камчиликларимизни тўла-тўқис бартараф этишга хизмат қилди. Тадбир сўнгсида барча фаоллар ўзларини қизиқтирган саволларига мутасадди раҳбарлардан жавоб олдилар.

Маъмур ПАРМОНОВ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТУМАН КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР РЎЙХАТИ

Table with 4 columns: Okrug nomi, Familiyasi, ismi, otasining ismi, Tug'ilgan yili, partiyaviyligi, egallab turgan lavozimi, turar joyi, Deputatlikka nomzod etib kўrsatgan siyosiy partiya.

Table with 4 columns: Okrug nomi, Familiyasi, ismi, otasining ismi, Tug'ilgan yili, partiyaviyligi, egallab turgan lavozimi, turar joyi, Deputatlikka nomzod etib kўrsatgan siyosiy partiya.

ЎЗБЕКИСТОН - ЖОЗИБАДОР САЙЁҲЛИК МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини юксалтириш, соҳага инвестицияларни фаол жалб қилиш, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, бой табиий, тарихий-маданий меросимизнинг мавжуд ресурслар ва имкониятларидан хар томонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Исроил, Индонезия, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Туркия ва Япония фуқаролари, шунингдек, юртимизга мунтазам авиақатновларни амалга оширувчи хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемалари экипажи учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган қундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгиланиши муҳим аниқликлардан бўлди.

Шунингдек, Европа Иттифоқи, Шарқий Осиёнинг бир қатор давлатлари ва Яқин Шарқ мамлакатларининг ҳамда Хиндистон, Канада, Янги Зеландия, АҚШ каби 39 мамлакат фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига туристик ваучерни ёхуд Ўзбекистон Республикасига тақлиф қилаётган юридик ёки жисмоний шахснинг мурожаатномасини тақдим этишга оид талаб бекор қилиниши, ҳужжатларни қабул қилиш куни ҳисобга олинмаган ҳолда икки иш куни мобайнида визани расмийлаштиришни кўзда тутадиган туризм визаларини расмийлаштиришнинг 2018 йил 10 февралдан эътиборан соддалаштирилган тартиби киритилди.

Жорий йилда Самарқанд шаҳрида "Ипак йўли" туризм халқор университети ташкил этилиши эса замонавий инновацион, илмий-педагогик технологияларни, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини қўллаган ҳолда, туризм соҳасида юқори малакали профессионал кадрларни халқор таълим стандартларига мувофиқ сифатли тайёрлашга хизмат қилади.

Албатта, туризм соҳасида амалга оширилаётган бу каби чора-тадбирлар, янги тартиб-таомил ва ислохотлар мамлакатимизни тез орада йирик ҳамда жозибадор сайёҳлик марказларидан бирига айлантиради. Юртимиз учун истиқболли ушбу соҳа эса, иқтисодий тизимнинг етакчи тармоғи даражасига кўтарилиши шубҳасиз.

Абдурахим ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты

"Обод маҳалла" дастури - амалда

МАСЪУЛИЯТНИ АНГЛАГАН ҲОЛДА

Бугунги кунда пойтахтимизда "Обод маҳалла" дастури доирасидаги хайрли ишлар олиб борилаётгани, бундан қанчадан-қанча оилалар шароити яхшиланиб бораётгани таҳсинга сазовор. Маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар пойтахтимиз кўрқига янада кўрк бағишламоқда. Асосийси эса ҳамшаҳарларимизнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириб, эртанги кунга ишончи ортмоқда. Шу юрт учун дахлдорлик ҳисси билан яшашига ундамоқда. Дастур доирасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар одамларнинг розилиги, яхши яшашлари учун қилинаётган эзгу ва мақсадли ишлар эканлигини яна бир бора таъкидлаш жоиз.

Хар бир фуқаролар йиғинида ҳудудни ободонлаштириш, ички йўللар ва йўлакларни қайта таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар туфайли шаҳар аҳолиси ҳам фойдаланишмоқда. Хозирги пайтда улар ҳудудларни кўзалаштириш, биналарнинг ташқи қисми ва томларини янгилаш, болалар ўйин майдончаларини барпо этиш, кўчалар ёритилишини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларнинг бевосита иштирокчисига айланади.

Давлатимиз раҳбари томонидан "Обод маҳалла" дастури амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Чилонзор туманидаги "Мохи-нур коммунал" МЧЖ бошқарув компанияси директори Моҳира Нуралиева. — Утган давр мобайнида баҳариланган ишлар танқидий жиҳатдан таҳлил қилинди, хар бир раҳбар зиммасига шахсий жавобгарлик оқлатилди. Бошқалар каби, биз ҳам ўз зиммасига одамлар олдида уларнинг муҳим муаммоларини ҳал қилиш, турмуш шароитини яхшилаш бўйича мажбуриятларни олдик.

"Мохи-нур коммунал" МЧЖ бошқарув компанияси саккиз мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилувчи 28 та кўп қаватли йўлларни бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш бўйича ишларнинг тўлиқ тўпланиши ўз зиммасига олган. Бу ерда мунтазам равишда инвентаризация ўтказилади, таъмирлаш-тиклаш ишлари режалаштирилиб ўз вақтида амалга оширилади. 40 нафар мутахассис ва ходимлардан иборат аҳил жамоа саккизта хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Улар орасида "Хирмонтепа", "Хирмонтепа коммуналчи-1", "Хирмонтепа коммуналчи-2", "Меҳнат обод ҳаёт-1", "Ҳолис лоқс коммунал", "Обод юрт коммунал-1 лоқс", "Темирбек асл коммуналчи", "Чин бахт сервис" ХУЖМШларни қайд этиш мумкин.

Жорий йилда умумий майдони 7000 квадрат метрга тенг йўл ва йўлаклар асфальтланди, 19 та болалар ўйин майдончалари тартибга келтирилди. Шу ўринда пайвандчи Хушвақт Мирзаев, сантехниклар Баходир Собуров ва Собир Хуррамовларнинг хизматларини алоҳида қайд этиш лозим.



"Ҳолис лоқс коммуналчи" ХУЖМШ томонидан хизмат кўрсатиладиган учта кўп қаватли уйлар ҳудудига йўлакларга бетон тўшалди, ертўлалар таъмирланди ва битта уйнинг фасад қисми бўёб чиқилди, пўлат қувурлар пластмасса қувурларга алмаштирилди. Таъкидлаш кераки, ширкат раиси Минаваров Қосимовнинг ташаббусига кўра эски қувурлар спорт тренажерлари ва ўриндиқлар ясашда фойдаланилди. Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида барча подъездларда қолди қўллар ўрнатилди, видеокузатув тизими ишлаб турибди.

Хозирги пайтда ҳудудларни ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда ва киш фаслига фаол тайёргарлик кўрилмоқда. "Обод маҳалла" дастури доирасида "Хирмонтепа" ХУЖМШ томонидан хизмат кўрсатиладиган учта кўп қаватли уйларнинг ертўлаларида эскирган қувурлар янгилаштирилди, подъездлар таъмирланди, атрофдаги ҳудуд тартибга келтирилди. Ушбу мақсадларга 200 миллион сўмлик банж кредитлари йўналтирилди.

"Обод маҳалла" дастури доирасида жорий йилда компания раҳбарияти томонидан умумий майдони 9 минг квадрат метрга тенг томларни таъмирлаш режалаштирилган. Хозирги кунга келиб 7 минг квадрат метрга тенг томлар таъмирланган. Ушбу мақсадларга 300 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Айтиш мумкинки, ташаббускор ва омили кор Моҳира Нуралиева бундай кўрсаткичларга бой тажрибаси ва чуқур билими туфайли эришди олди. Бу меҳнатсевар аёл ўз вақтида Россия, Қозғистон, Белоруссия, Латвия ва Эстониядан борган ҳаммасблар билан бирга Германияда кўп қаватли уй-жойларни бошқариш курсларида таълим олган, халқор тренингларида иштирок этган. Энди эса ўзи учрашувлар, дара сўхбатлари ва семинарларни ташкил этмоқда.

"Мохи-нур коммунал" МЧЖ раҳбарияти кам таъминланган оилаларни, ногиронлиги бор шахсларни, ёлғиз кишилар ва қарияларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. — Бошқарув компаниясидан квартирамни бепул жорий таъмирлаб бергани учун нияҳатда миннатдорман, — дейди "Меҳнат обод ҳаёт-1" ХУЖМШ томонидан хизмат кўрсатиладиган 41-сонли уйда истиқомат қилувчи Лидия Завидонова. — Энди уйим шинам ва иссиқ бўлди, ҳеч қандай совуқлар қўрқинчли эмас.

Ушбу аёлнинг фикрига пенсионерлар Шоира Ходжинова, Вера Литвинова ва Мастура Сайфитдинова ҳам қўшилди.

Яқин келажақда "Темирбек коммуналчи" ХУЖМШ томонидан хизмат кўрсатиладиган уйларни таъмирлаш кўзда тутилган.

Х.УБАЙДУЛЛАЕВ Т.КАМИЛОВ олган сурат

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси "Париж келишуви"ни ратификация қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Бугун жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгаришини инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан бири деб тан олмакда. Маълумки, XX асрга келиб дунё мамлакатларининг кескин индустриал ривожланиши, табиат қонуниятларига бўйсунмасдан, унинг ресурсларидан нооқилоб фойдаланиши натижасида, атмосферага бехисоб миқдорда иссиқхона газларининг чиқарилиши иқлим ўзгаришига, бу эса дунёнинг турли бурчакларида, йилнинг турли фаслларида температуранинг кескин ўзгаришига, баъзи ерларда ёнғинчиликларга, сув тошқинларига, бўруну тўфонларга, аксинча бошқа ерларда қур-ғоқчиликка, ўрмонлар ёнғинларига ва буларнинг натижасида, ботқоқликларга, чўлланши, ер деградацияси ва бошқа экологик муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Бугунжаҳон метеорология ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунгача глобал йиллик ўртача ҳаво ҳарорати 1880 йилдаги ҳарабатдан 1°C га ортган. Ўзбекистонда худди шу давр учун ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 1,6°C га кўтарилган, яъни иссиқ жадаллиги глобал масштабда қузатилаётган ўртача темплардан юқори. Ўзбекистон иқлим ўзгариши таъсирига кўпроқ мойил бўлган мамлакатлар қаторига кирди.

Экспертларнинг хулосасига кўра иқлим иссиқ экотизимлар ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши, Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилояти каби минтақаларда экологик вазиятнинг кескинлашувига йил мобайнида жазирама давр давомийлигининг ортиши ва кучайиши натижасида аҳоли ўртасида касалликларнинг кўпайиши, шунингдек, бошқа хавфли ҳодисалар – селлар, тошқинларнинг тез-тез такрорланиши, юқори тоғлардаги қўлларнинг ўпирилишига олиб келиши мумкин.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўсиб бораётган глобал таҳдидларга комплекс жавоб қайтариш мақсадида 2015 йил 12 декабрда Парижда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгаришлари бўйича доиравий конвенциясига бағишланган конференциянинг 21-сессиясида қабул қилинган ва 2016 йил 4 ноябрда кўчга кирди.

Ҳозирги вақтда Париж Битимини имзолаган 195 мамлакатнинг 180 таси мазкур Битимнинг иштирокчиси ҳисобланади. Битимни ратификация қилмаган

мамлакатлар қузатувчи мақомига эга бўлиб, улар учун халқаро ташкилотлар томонидан иқлимий молиялаштиришда чекланишлар қўлланилади.

Битим турли миллий шароитлар нуктаи назаридан адолатлилик принципларини ҳамда умумий, шунингдек, тегишли имкониятларни эътиборга олиб алоҳида томонлар жавобгарлиги акс эттирилган.

Битимнинг мақсади сайёраимизда глобал иссиқхона газлар ажратмаларидаги миллий миқдосда хароратга нисбатан Цельсий шкаласи бўйича 2°C га сақлаб туриш ҳамда хароратнинг 1,5°C гача ўсишини чеклашга

**АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ
ДОИМО ЭЪТИБОРДА**

ҳаракат қилишдан иборат бўлиб, 2050 йилга келиб иссиқхона газларини глобал ажратмаларини 40-70% га камайтиришни ва 2100 йилга келиб унинг 0 ёки манфий кўрсаткичга етказишни талаб этади. Мамлакат 2030 йилга келиб эришиши лозим бўлган иссиқхона газлар ажратмаларидаги миллий миқдосда белгиладиган ҳиссасини камайтириш тўғрисида ИУДК қонунчилиги таълимий таътирлаши Париж Битимини имзолашнинг мажбурий шарт ҳисобланади.

Битим қондаларини амалга ошириш ва уларга риоя этилишини рағбатлантириш механизми қўллаб-қувватловчи хусусиятга эга, адоватсиз ва жазосиз амал қилади. Мазкур битимда ҳеч қандай "жазо" чоралари кўзда тутилмаган (15-модда, 1.2-банд).

Париж Битимда ривожланган мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатларга иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва унга мослашиш борасидаги ҳаракатларда қўллаб-қувватлаш мажбурияти юклатилган. 2020 йилда ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжлари ва устуворликларини эътиборга олиб молиявий кўмакни 100 млрд. АҚШ долларига етказишга қарор қилинган.

Ҳозирги вақтда жамғарма умумий қиймати 1.5 млрд. АҚШ доллари бўлган 35 та лойиҳани молиялаштирмоқда. Уларнинг орасида Ўзбекистон ва Тожикистон учун Жаҳон банки билан ҳамкорликда "Орол денги-

зи хавзасида иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг олдини олиш Дастури" лойиҳасини молиялаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда.

2017 йил 19 апрелида БМТнинг Нью-Йоркдаги Бош қароргоҳида Ўзбекистон Париж Битимини имзолади. Лекин ҳозирги вақтга қадар Ўзбекистон Республикаси Париж Битимини ратификация қилмаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси "Париж келишуви"ни (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги қонунининг қабул қилиниши Ўзбекистон учун қатор манфаатларни таъминлайди. Хусусан: энергия самарадорлиги ва энергия тежаш бўйича Давлат дастурларини амалга оширишда иқлимий молиялаштириш ресурслари (асосан грантлар)ни жалб қилиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, ер-сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш, салбий оқибатларга қарши курашиш ва бошқа имкониятларни яратди.

Париж Битимда иштирок этиш инвестиция ресурсларини жалб қилиш ҳамда халқаро молиявий институтлар ва донор мамлакатларнинг кредитларини олиш учун индикатор ҳисобланади. Мазкур Битимга мувофиқ Иқлим соҳасидаги ҳаракатлар келажакдаги савдо келишувлари учун шарт бўлиши мумкин. Франция ҳукумати Париж Битимига аъзоликни Европа Иттифоқи савдо келишувларидаги муҳим элемент сифатида қабул қилиш таклифини билдирди. Бу Европа Иттифоқи Париж Битимини ратификация қилмаган ёки уни амалга оширмаётган мамлакатлар билан бошқа савдо-сотик қилинмаслигини билдирди.

Иқлим ўзгаришига мослашиш соҳасидаги ҳамкорлик, бу мамлакатга иқлим ўзгаришига мослашишни кучайтириш ва заифликни камайтириш учун мослашиш чора-тадбирларини амалга ошириш имкониятини таъминлайди. Бу Орол фойдаси муаммосини ҳал этиш нуктаи-назаридан аинқисда, долзарбдир.

Иқлим ўзгариши натижасида етган зарар далиллари тақдим этилган ҳолатларда иқлим ўзгаришининг ноқулай таъсири оқибатлари донорлар томонидан бар-тараф этилади.

Париж Битимини ратификация қилиш Ўзбекистон Республикасининг умуминсоний кадрларига, Битимда акс эттирилган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига соддиқлигини кўрсатади ва Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияга аъзо давлатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилади.

**К.НАСИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати**

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК:

ТАЖРИБА, НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

(*Давоми. Боши 1-бетда*)

Семинарнинг яна бир аҳамиятли жиҳати унда илк бор Сингапур миллий университети профессори, "Энг яхши мақола" номинацияси бўйича Нобель мукофоти совриндори, бир неча нуфузли академиялар академиги, Сингапур йўл қопламалари уюшмаси президенти Фуа Тин Фанг ва Хитойнинг Чанъань университети профессори Чу Лонгжианинг иштирок этишидадир.

– Бугунги кунда мамлакатимиз йўл ҳўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш, бундай ишлар самарадорлигини оширишда олий таълим муассасаларидаги таълим сифатини талаб даражасида ташкил этиш муҳим масалалардан бирига айланмоқда, – деди Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти ректори А.Рискулов. – Чунки, давлатимиз раҳбарининг юқорида зикр этилган ҳужжатларида ушбу тизимни ривожлантириш, кадрлар билиминини мустаҳкамлаш ва бунда хорижий олимлар иштирокида анжуманлар, ўқувлар ташкил этиш, тажрибалар алмашишига қаратилган устувор вазибалар белгиланган. Шу мақсадда институтимизда чет эл давлатларидаги нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бугунги семинар ҳам шу ишлар самараси бўлиб, талабаларимиз етакчи олим Фуа Тин Фангни яхши билишда ва у яратган илмий китоблардан ўқув жараёнида кенг фойдаланишади. Фуа Тин Фанг ва унинг шогирди Чу Лонгжиа соҳада эришган ютуқлари бўйича иштирокчиларга маъруза қилди.

Академик Фуа Тин Фанг 1962 йил Сингапурда таваллуд топган. Олий таълим сабоқларини Америкада олган олим йўл соҳаси бўйича 400 дан ортиқ илмий мақолалар ёзган. Кўплаб магистрант ва аспирантларга устозлик қилган Фуа Тин Фанг 2009 йил Нобель мукофоти совриндори бўлган.

– Мамлакатингизга биринчи бор келдим ва бу ерга келиш олдинда Ўзбекистон ҳақида ўрганиб чиқдим, – деди у. – Шу сабабли ташкил этилган семинарга таклиф этилганимдан бағоят хурсандман. Бунинг учун ташкилотчиларга ташаккуримни билдираман. Ўттиз йиллик фаолиятим таълим ва ишлаб чиқариш соҳаси билан боғлиқ. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларида автомобиль йўллар ҳолати бир хил. Албатта, бу борада яхши натижаларга эришиш учун хорижий тажрибалар ижобий самара беради. Менинг назаримда соҳанинг янги ва ўзгаришларига ошиқиш эмас, балки мавжуд малакалардан унумли фойдаланиш ва бу жараёнда чет эл тажрибасини ўрганиб, янгиликларга интилиш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли ҳам мен ўзбекистонлик мутахассисларга ўз малакамдан келиб чиқиб, соҳада амалга оширилган ишлар ва ундаги янги жараёнлар ҳақида маъруза қилдим. Бу келгуси ҳамкорлигимизга кенг йўл очади, деган умиддаман.

Семинар автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланиш ҳамда йўл активларини бошқариш ва автомобиль йўллари муҳандислиги фанларини такомиллаштириш, шунингдек, малакали кадрларни тайёрлашда амалий аҳамият касб этади.

Тадбирда академик Фуа Тин Фангга Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институтининг фахрий доктори унвони берилди. Нуфузли меҳмон ҳам ўз навбатида институт раҳбариятига йўл соҳасида яратилган китобларини тақдим қилди.

Тадбир якунида Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш институти Сингапур миллий университети билан келгусида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва меморандум ишлаб чиқиш бўйича келишиб олинди.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири**



**БАҒРИКЕНГЛИК ХАЛҚИМИЗГА
ХОС ФАЗИЛАТ**

Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элатлар жипслиги, дўстлиги, ўзаро бир-бирига бўлган ҳурмат-эҳтироми, тинч-тотув яшаши мамлакатда ҳукм сурётган тинчликдан дарак беради.

Президентимиз таъкидлаганидек, миллатлар ва элатларнинг тотувлиги улар ўртасидаги маданиятни ривожлантиради. Мамлакатимизда барча халқлар ўртасида кўп асрлик дўстлик, яхши анъанавий қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган инсон манфаати йўлида изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида ташкил этилган тадбирда бу жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Тадбирда юртимизда фаолият олиб бораётган уйғур, қозок, қирғиз, туркман, тожик, грек, арман, турк миллий маданий марказлари вакиллари, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси, "Фаол фахрий аёллар гуруҳи" фаоллари ҳамда фахрий устозлар иштирок этди. Тадбирни қўмита бўлим

бошлиги Атҳам Хусеинов очиб берди. Сўзга чиққан қозок миллий маданий маркази раиси Серикбой Усенов, шарқшунос олима Муборак Юнусхўжаева, адабиётшунос олим Ҳасан Қудратуллаевлар мураббий-устоз бўлиш машаққатли, лекин шарафли касб эканлиги, ўзликни чуқурроқ англаш, инсон онгу шуурини ўзгариштириш, тасаввурни уфқларини кенгайтириш, тафаккурини бойитиш, умрбойик маънавий қадриятларни ёшлар, шогирдларга сингдиришда алоҳида ўрин тутишини ҳамда жаҳолата қарши маърифат билан курашиш кераклигини таъкидлаб ўтдилар.

Хонандалар Тўлкинжон Тожиёв, Имрон, Умаржон Қосимов, Сардор Саидов, Жасибек Жўрабековлар томонидан қуйилган дилрабо куй ва қўшиқлар тадбирга ўзгача кайфият бағишлади. Тадбир сўнггида фахрий устоз ва меҳмонларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

Гулчехра КАРИМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Маъмурий бинолардан фойдаланиш дирекцияси ДУК (ИНН: 202374952) "Тошкент шаҳрида бошқарувининг алоҳида тартибининг жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги ПФ-5515-сонли фармойиши ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 24 августдаги 1247-сонли қарорларига асосан Тошкент шаҳар ҳокимлиги Маъмурий бинолардан фойдаланиш дирекцияси ДУК Тошкент шаҳар ҳокими девонига қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилаётганлигини маълум қиламиз.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Маъмурий бинолардан фойдаланиш дирекцияси ДУКнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисга — Тошкент шаҳар ҳокими девонига ўтади.

Манфаатдор шахсларнинг мурожаатлари ва кредиторларнинг талаблари ёзма равишда қуйидаги манзил бўйича тақдим этилиши мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислон Каримов шох кўчаси, 51-уй. Тел: (71) 210-03-02.

Хабарлар

**ПОЙТАХТДА ЯНГИ ЙЎЛ
БЕЛГИЛАРИ КЎПАЙМОҚДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги 377-сонли Қарори билан тасдиқланган "Йўл харитаси" асосида қуйидаги чорраҳаларда: 1) Фурқат – Ислон Каримов чорраҳаси, 2) Афросиёб – Бешёғоч кўчалари чорраҳаси, 3) Фаробий – ТҲАЙ кўчалари чорраҳаси, 4) Шароф Рашидов – Абдулла Қодирий кўчалари чорраҳаси, 5) Шароф Рашидов – Навоий кўчалари чорраҳаси, 6) Навоий – Амир Темур кўчалари чорраҳаси, 7) Осиё – Амир Темур кўчалари чорраҳаси, 8) Осиё – Оққўрғон кўчалари чорраҳаси, 9) Мирзо Улғубек – Паркент кўчалари чорраҳаси, 10) Ислон Каримов – Амир Темур кўчалари чорраҳаси, 11) Қатортол – Муқимий кўчалари чорраҳаси, 12) Чилонзор – Чўпонота кўчалари чорраҳаси, 13) Чилонзор – КҲАЙ кўчалари чорраҳаси, 14) Уйғур – Бешқайрағоч кўчалари чорраҳаси, 15) Талабалар – Қамарнисо кўчалари чорраҳаси, 16) Беруний – Сақичмон кўчалари чорраҳаси, 17) КҲАЙ – Кичик Бешёғоч кўчалари чорраҳаси, 18) КҲАЙ – Қатортол кўчалари чорраҳаси, 19) КҲАЙ – Шароф Рашидов кўчалари чорраҳаси, 20) КҲАЙ – Беруний кўчалари чорраҳаси, 21) Қорасарой – Нурафшон кўчалари чорраҳаси, 22) Нурафшон – Сағбон кўчалари чорраҳаси.

Светофорнинг қизил чироғига, барча йўл ҳаракати иштирокчиларини ўтказиб юборган ҳолда ўнгга бурилиш ҳуқуқини берувчи йўл белгисини ўрнатиш бошланди.

Ушбу йўл белгиси чорраҳаларда транспорт ўтказувчанлигини ошириш учун жорий этилмоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳаракат иштирокчиларига (пиедаларни ҳам) йўл берган ҳолда светофорнинг қизил чироғига ҳам фақатгина ўнгга бурилиш мумкин. Лекин, ҳаракат давомида бошқа ҳаракат иштирокчиларига хавф туғдирилмаслиги шарт. Бу йўл белгиси ўрнатилган чорраҳалардаги видеокамералар томонидан светофорнинг қизил чироғига бошқа ҳаракат иштирокчиларига йўл берган ҳолда ўнгга бурилиш қоидабузарлик сифатида қайд этилмайди. Азиз пойтахтликлар! Қўшимча қулайликлар яратилиш ва тирбандликнинг олдини олиш мақсадида мазкур йўл белгисини яна қайси чорраҳаларда ўрнатиш лозимлиги юзасидан тақлифларингизни кутиб қоламиз.

**ИННОВАЦИОН
ТАДБИРКОРЛИК
ҲАФТАЛИГИ ЎТКАЗИЛДИ**

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Юнусобод тумани хотин-қизларининг инновацион тадбиркорлик ҳафталиги" бўлиб ўтди.

"Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасида ташкил этилган ҳафталикда тадбиркор ва хунарманд хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси, хунармандчилик фаолиятида маҳорат дарслари, тадбиркорлик ўқув машғулотлари, тадбиркорликни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича маслаҳатлар, бўш иш ўринлари ярмаркалари уюштирилди. Ҳафталика Юнусобод туманининг 63 та маҳаллаларидан 500 дан зиёд ишсиз, имконияти чекланган ва ижтимоий Ҳимояга муҳтож хотин-қизлар жалб қилинган бўлиб, инновацион ярмаркада 89 нафар тадбиркор ва хунарманд аёллар ўз маҳсулотларини намойиш эттишти.

**ОММАВИЙ
МАШҒУЛОТЛАР
БЎЛИБ ЎТМОҚДА**

Тошкент кўчаларида оммавий равишда бадантарбия машғулотлари билан шуғулланаётган инсонларни кўрсангиз ҳеч ҳам ажабланманг.

Пойтахтликлар ўз саломатликларини йўлида жисмоний тарбия билан шуғулланишни кундалик одатга айлантиришмоқда. Ана шундай машғулотлардан бири эрта тонгдан Саломатлик мактаблари қошидаги "Эъзозли аёллар" гуруҳлари аъзоларининг бадантарбия машғулотлари бўлиб ўтди. "Миллий бот" майдонидаги машғулотларда 200 дан ортиқ аёллар иштирок этишти.

7:30 да "Халқлар дўстлиги" саройи ҳудудида ўтказилган машғулотларда эса 100 дан зиёд ёшлар фаоллик кўрсатишти.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати**

Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи томонидан Югай Рэм Ремович номига 2014 йилда берилган К № 3522260 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Яшнобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Яшнобод тумани Ҳаваскор кўчаси 45-уй учун Исҳоқовжаева Барноҳон Ҳасановна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Спорт янгиликлари

ТЕННИСЧИМИЗДАН НАВБАТДАГИ АЖОЙИБ ГАЛАБА

Қозғистоннинг Олмаота шаҳрида теннис бўйича "Челленджер" туркумига кирувчи халқаро турнирнинг илк даврасида мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин галаба қозонди.

Соврин жамғармаси эллик минг АҚШ долларини ташкил қилувчи ушбу мусобақада Денис португалиялик ёш теннисчи Фредерико Сильвага қарши кортага чиқиб, икки сет якунига кўра 6:3, 7:5 ҳисобида галаба қозонди.

Турнирнинг навбатдаги кунда истеъдодли теннисчimiz Жўрабек Каримов ҳам бошқа бир португалиялик ракетка устаси — Гонсало Оливейро билан рақобатлашади. Ушбу беллашувда ҳамюртимизнинг имкониятлари нисбатан юқори-роқ баҳоланмоқда.

ИККИНЧИ РАҚИБ ҲАМ НОКАУТГА УЧРАДИ

Боксчимиз Баҳодир Жалолов профессионал рингдаги иккинчи жангини ўтказиши тўғрисидаги хабар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинганидан сўнг жангга оз вақт қолганида унинг рақиби ўзгарди.

Баҳодир аввал маълум қилинганидек мезбон боксчи Томас Хаукингсга қарши эмас, мексикалик чарм кўлқоп устаси Эдуардо Вителага қарши рингга кўтарилди.

Эътиборлиси, Жалолов жангнинг биринчи раундидаёқ рақибини нокаутга учратди ва профессионал рингдаги иккинчи жангида иккинчи галабасини нишонлади.

Эдуардо Вителанинг проф боксдаги жанглари сони 6 тага етди. У бунгача 3 та галаба (2 таси нокаут) ва 3 та мағлубият (2 таси нокаут) қайд этган эди.

Ботир ХҲЖАЕВ

ТОШКЕНТ НУФУЗЛИ АНЖУМАНГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛДИ

Миллионлар ўйини бўлмиш футбол ривожини йўлида ЎФА ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар қитъамиз футбол мутасаддилари, ФИФА вакиллари томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Футбол бўйича Россияда уюштирилган жаҳон чемпионатида ЎФА биринчи вице-президенти Умид Аҳмаджонов Осие футбол конфедерацияси президенти Шайх Салмон бин Иброҳим ал-Халифа билан учрашган ва бунда ОФК Ижроқўмининг навбатдаги йиғилишини Тошкентда ўтказишга келишиб олинган эди.

Дарҳақиқат, пойтахтимиз Тошкент биринчи марта ОФК Ижроқўмининг йиғилишига мезбонлик қилди. Унда ФИФА ва ОФКнинг мартабали меҳмонлари иштирок этишди. Бу нуфузли тадбирнинг пойтахтимизда уюштирилганлиги ЎФА ҳамда

ОФК ўртасидаги дўстона алоқалар ва ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини яна бир қарра исботлади.

Йиғилишда қитъа футболлини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди ва бу борада келгусида амалга ошириладиган ишлар режаси белгилаб олинди.

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРГА МАҲОРАТ МАКТАБИ ВАЗИФАСИНИ ЎТАЙДИ

Юртимизда болалар ва ўсмирлар футболлини янада ривожлантириш мақсадида 5 та ёш тоифасида мамлакат биринчилиги ташкил этилганлиги мухлисларга маълум.

ЎФА яшил майдонларида 2001 йилда туғилган ёшлар ўртасида ушбу биринчиликнинг биринчи босқич мусобақалари ўтказилиб, унда Наманган вилояти жамоаси ғолиб бўлган эди. Ушбу турнирнинг иккинчи босқичида 2002 йилда туғилган футболчилар ғолиблик учун кураш олиб боришди. Эътиборли жиҳати, қоидага кўра, чемпионатнинг

мандат комиссияси аъзолари ҳар бир футболчи билан алоҳида суҳбатлашишди, футболчиларнинг ҳужжатларини, ёшга доир маълумотларини текширишди. 2003 йилда ва 2004 йилда таваллуд тоғанлар ўйинлари октябрда бўлиб ўтади. 2005 йилда туғилганлар ўртасидаги беллашувларни уюштириш ноябрь ойига режалаштирилган.

МУЗОКАРАЛАР САМАРАЛИ ЯҚУНЛАНДИ

Испаниянинг Мадрид шаҳрида ФИФА ташаббуси билан уюштирилган Бутунжаҳон футбол саммитида қатнашган Ўзбекистон ПФЛ бош директори Омон Гофуров раҳбарлигида ЎФА вакиллари пойтахтимизга илиқ таассуротлар билан қайтишди.

Сайёрамизнинг энг кучли клублари, футбол лигалари, Халқаро федерациялар, ассоциациялар, дунёга машҳур ОАВ ҳамда компанияларнинг уч миңдан зиёд вакиллари қатнашган ушбу анжуман Мадриднинг энг машҳур "Гойя форум" театрида уюштирилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Бутунжаҳон футбол саммити директори Мариан

Отаменди ва Ла-лига раҳбарияти Марказий Осиёдан фақатгина Ўзбекистон делегациясини ушбу тадбирга таклиф этганликлари қувонарли.

Бутунжаҳон футбол саммитида Мариан Отаменди ҳамда "Ювентус" клуби ва Европа клублари ассоциацияси президенти Андреа Аньелли сўзга чиқиб, йиғилганлар диққатини футбол-

даги глобаллашув жараёнига қаратишди. Саммит доирасида Ўзбекистон делегацияси дунёнинг ривожланган футбол уюшмалари, ташкилотлари билан маркетинг, футбол академиялари, Ла-лига спорт дастурлари, ОАВ ва мухлислар билан ишлаш ҳамда бошқа масалалар юзасидан музокаралар ўтказди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

СОҒЛОМ МУҲИТДА – СОҒЛОМ БОЛА ТАРБИЯЛанади

Инсоннинг шаклланишида, ақлан соғлом, жисмонан етук, ҳаётда ўз ўрнини топишида, эл-юрт ичида иззат-ҳурматга сазовор бўлишида, иқтисодий, ижтимоий, маънавий муносабатларни йўлга қўйишда оила асосий ўрнини эгаллайди.

Оила тарбияси мураккаб жараён, чунки ҳар бир оила ўзига хос бир олам. Соғлом бола тарбияси, ёш авлодга таълим-тарбия бериш, ҳунар ўргатиш оила ва таълим муассасаларининг биргаликда олиб бориладиган, ҳамкорликда бажариладиган муҳим вазифаларидан биридир.

Халқчил, инсонпарвар ва маданиятли жамият барпо қилишда, мустақил давлатимизнинг сиёсий ва маънавий раванқини таъминлашда, унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва обрў-эътиборини мустаҳкамлашда халқ таълими тизими муассасалари фаолиятида — ёш авлодга берилаётган таълим-тарбия, болалар саломатлигини ҳимоялаш ишларининг сифати ва самарадорлигини ошириш энг зарур ва кечиктириб бўлмайдиган муҳим омиллардир.

Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошланғич тури ҳисобланиб Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури"

талаблари асосида ташкил этилган ва соғлом, ҳар томонлама етук болаларни тарбиялаш учун зарур ташкилий-услубий, психологик, педагогик шарт-шароитлар яратди. Болаларни мактабда мунтазам равишда таълим олишга тайёрлашда ота-оналарга ёрдам беради.

Бола 6-7 ёшга етгунча оилада ва мактабгача таълим муассасаларида таълим тарбия олади. Шу боисдан таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, замон талаблари билан уйғунлаштириш, маънавиятини янада юксалтириш, ўқитиш ва тарбиялаш, вояга етказиш ишига жиддий эътибор қаратилиши талаб этилади. Бундай масъулиятли вазифалар мактабгача таълим муассасалари ва ота-оналар ҳамкорлигида амалга оширилса ёшлар тарбияси ва соғлигини тубдан яхшилаш мақсадида эришилади.

Тарбия иши қанча эрта бошланса, ҳосил ҳам шунча эрта кўзга ташланади. Соғлом бола аввало соғлом ва мустаҳкам оилада дунёга келиши, муқаддас даргоҳда ўсиб, улғ-

айиб, тарбияланиб, вояга етиши ҳаммага маълум. Оилада фарзанд тарбиясидаги хато ва камчилик инсоннинг келажагига таъсирини ўтказмасдан қолмайди ва аксинча тўғри тарбия келажак пойдевори бўлиб хизмат қилад.

Бола тарбияси билан астойдил шуғулланган оилаларнинг болалари таълим муассасасида ўз имкониятларини машғулот жараёнида қийналмасдан кўрсата оладилар. Оила ва таълим муассасаларининг ҳамкорлиги болани нафақат жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожлантиради, балки уни маънавий шаклланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга болаларни шарқона услубда, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, меҳр-оқибат, катталарга бўлган ҳурмат каби хислатларни шакллантириш вазифалари турибди. Бугунги кунда жисмонан соғлом, маънавий баркамол, комил инсон тарбияси ҳар доимгидан ҳам долзарб масалага айланди. Хусусан, бола тарбиясига тўғридан-тўғри мутасадди бўлган мактабгача таълим муассасалари болаларни маърифатли, ишбилармон, тадбиркор, бугунги бозор иқтисодиёти шароитига ўтишнинг маънавий-ахлоқий асосларини тўғри тушуна оладиган, ота-оналар эса ҳалол, тўғри, саховат ва муруват каби инсоний фазилатларнинг асл маъносини яхши англайдиган жамият аъзоси қилиб тарбиялашга масъулдирлар.

Камола МИРЗАЁРОВА

"101"

ЁНГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК!

Фасллар орасида олтин кузнинг ўрни ўзгачадир. Қишнинг совуқ кунлари бошланиши арафасида куз ўзининг тилла япроқлари билан кўзларни қувнатади.

Олтин куз ўзининг таровати, ҳусни билан ҳар бир инсонни лол қолдиради. Аммо минг афсуслар бўлсинки, баъзи-баъзида ана шу гўзалликка доғ туширадиган ишлар ҳам оёқ остидан чиқиб қолади. Эрта тонгда фаррошларимиз шаҳримизнинг кўча ва боғларида ҳазонларни супуриб, тўда қилиб йиғиб қўядилар. Ҳар кунги ҳазонлар тўпланиб кетиб, шаҳримиз кўрғига доғ туширади. Уйга кетаётган мактаб ўқувчилари эса ўйин қилиб гаражлар орасида тўпланиб қолган ҳазонларни ёқиб юборадилар. Қуриган барглр тез ёниб, гаражлар ичига ҳам олов ўтиб кетади. Буни кўрган болалар содир этилган жойдан "тез қочиб қол", дея зудлик билан қочиб кетадилар. Натижада гаражда мавжуд бўлган автомобиллар ёниб кетишига олиб келади. Болаларнинг шўхлиги автоташуна эгаларига жуда қимматга тушади. Агарда тўпланиб қолган ҳазонлар фуқаролар томонидан ўз вақтида тозаланиб ташланганда, бундай талафотларнинг олди олинармиди?

Ёнғин хавфсизлиги бўлими яна бир бор эслатиб ўтади ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш осондир.
Ерлан ДЖУРАБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президент дивони биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, кичик сержант

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида "тилсиз ёв"нинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот бўйича учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, аҳолини бунга кўпроқ жалб қилишдан иборатдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Одил БАРАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, кичик сержант

"Ўз уйингни ўзинг асра" деган шior барча фуқаро, оилалар, корхона ва ташкилотларга тааллуқли эканлигини унутмаслик лозим.

Ҳамшаҳарларимизга қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш мақсада мувофиқлигини эслатиб ўтмоқчимиз:

- очик алангадан фойдаланётганда эҳтиёткорлик чораларини кўринг;
- электр ва газ асбобларини доимо соҳ ҳолда тутинг ва носоз ҳолда қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланманг;
- белгиланган жойларда чекиш муҳимлигини унутманг.

Мазкур қоидаларга риоя қилиш орқали биз уйимизни, йиллаб йиққан мол-мулкимиз, уй-жойимизни, қолверса яқин кишиларимизнинг ҳаётини асраган бўламиз.

Умид БОТИРОВ,
ЁХБ инспектори, лейтенант

Болалар бизнинг келажакимиз, уларни асраб-авайлаб, ватанимизга содиқ, ҳар тарафлама етук инсон бўлиб камол топишига масъулмиз. Нега ҳаётга талпинаётган мурғак гўдак бизнинг лоқайдлигимиз оқибатида оташ қурбони бўлиши керак?

Ҳеч ким ўз фарзандини ногирон бўлиб қолишини хоҳламайди. Ёнғин эса бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажрата оладиган бир офат ҳисобланади. Олов ҳеч ким ва ҳеч нимани аямайди. Ер юзида ҳар кунги содир этилаётган ёнғинлар эса неча-неча инсонларнинг ҳаётига зомин бўлиб қолмоқда.

Агарда биз оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилад.

Муяссар ТАШБЕКОВА,
Шайхонтоҳур тумани ЁХБ кичик инспектори, катта сержант

Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш жараёнида айниқса, хонадонларни қишки мавсумга иситиш ва ёритиш билан боғлиқ масалаларга ҳамма жойда ҳам алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда, деб бўлмайди.

Шаҳар ва туманлардаги иситиш ҳамда ёритиш ишлари билан шуғулланувчи газ ва электр таъминоти идоралари, қозонхоналар, иссиқлик узатувчи станцияларда ҳали ҳам ўзибўларичлик ҳолатлари учраб турибди. Айниқса, яқка тартибдаги ва кўп қаватли уйлар хонадонларида қишки мавсумда электр қувватига эҳтиёж ошиб бориши ҳисобга олинган ҳолда техник қурilmаларни соҳ ҳолатга келтириш ишлари тўла бажарилмай қолиб кетмоқда.

Ахир қиш ҳам бир синов. Унга пухта ҳозирлик кўрган кишиларнига бу синовдан безарар ўта олишларини унутмаслик лозим.

Дилшод МИРАЛИМОВ,
"Маърифат маркази" ЁХБ инспектори, катта сержант
Бахтиёр ХОШИМОВ,
"Маърифат маркази" ЁХБ кичик инспектори, сафдор

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

— 28-30 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиغا кўра, 4 октябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 4 октябр кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи